

**“Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан  
2015 йилнинг 9 ойи давомида бажарилган ишлар тўғрисида  
М А Ъ Л У М О Т**

**I. Давлат Дастурининг бажарилиши**

Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган сув хўжалиги эксплуатация ва пудрат ташкилотларини, шунингдек, сув истеъмолчиларинг фаолиятини кўллаб қувватлаш борасида Компания томонидан Давлат дастури асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмасига кўра Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2015 йилда жами қиймати **36,7 млрд сўмлик 176 дона** замонавий техника харид қилиш режалаштирилган, шундан **60 дона** замонавий экскаватор, **13 дона** бульдозер ва **103 дона** бошқа техника ва механизмлар. Шунингдек, жорий йилда Компания ўз маблағлари ҳисобидан қиймати **13,6 млрд сўмлик 54 дона** замонавий техникаларни харид қилиб, лизинг олувчиларга етказиб берилди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича 2014 йил октябр ойида ўтказилган Тошкент ҳалқаро ярмарка ва кооперацион биржада 2015 йил Давлат дастурида белгиланган техникаларни харид қилиш бўйича жами қиймати **30,3 млрд сўмлик 7** турда, жами **59 дона** техникаларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди.

**-60 дона** экскаватор ва **21 дона** бульдозерларни харид қилиш бўйича “UzXCMG” қўшма корхонаси билан шартнома имзоланди.

**-13 дона** пайвандлаш агрегатини харид қилиш бўйича тендер ўтказилди, тегишли ташкилотлардан руйхатдан ўтказилиб, конвертация ишлари амалга оширилмоқда.

**- 3 дона** ёпиқ горизонтал дренаж қуриш агрегатини танлов асосида харид қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг фармойиш тайёрланди ва ушбу фармойишга асосан танлов комиссияси тузилиб, танлов ғолиби аниқланди, шартнома имзоланиб тегишли вазирликлардан руйхатдан ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига **176 дона** техникани харид қилиш бўйича техникалар қийматининг 85 фоизи миқдорида **31,2 млрд. сўм** молиялаштириш учун Жамғармага буюртманомалар берилди ва Жамғарма томонидан **29,7 млрд сўм** маблағ молиялаштириб берилди.

**II. Компания фаолиятини такомиллаштиришда Ҳукумат  
топшириқларининг бажарилиши.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор вазифалари тўғрисида”ги 2015 йил 16 январдаги 1- сонли баёни ижросини таъминлаш бўйича жорий йилда режада белгиланган техникалар харидини жорий йилнинг май ойига қадар яқунлаш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мелиорация Жамғармасини бошқариш департаменти ва вилоятлар хокимликлари билан биргаликда лизинг олувчилар

томонидан лизинг тўловларини ўз вақтида қайтарилиши бўйича тармоқ жадвали ишлаб чиқилди ва тўловларни ойма-ой ўз вақтида тўлаб борилиши назоратга олинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сонли қарори ижроси бўйича Компанияда 2015-2020 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ тадбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича дастури ишлаб чиқилди ва вазифалар белгилаб олинди.

Интернетдаги расмий веб-сайтда амалга оширилаётган ишлар, таркибий ва кадрларга оид ўзгаришлар, қабул қилинган қарорлар, соҳага оид илмий янгиликлар ва тавсияларни доимий равишда ёритиб борилмоқда.

Ҳукумат топшириқлари асосида мелиоратив тадбирлар дастурини бажарилиши ва сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасини ишчи гуруҳида Компания ходимлари доимий иштирок этиб, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

### **III. “Ўзмелиомашлизинг” ДЛКнинг молиявий-иқтисодий ҳолати.**

Компаниянинг молиявий-иқтисодий фаолияти ўтган даврларга нисбатан яхшиланиб келмоқда. Компаниянинг бугунги кундаги лизинг операциялари бўйича активлари **248 495,3 млн сўмдан** иборат.

2015 йилнинг 1 июл ҳолатига лизинг портфелида етказиб берилган техникалар сони **1920** дона ва портфелдаги умумий лизинг қиймати **309 192,6 млн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан солиштирганда ўсиш суръати (**62,7 млрд сўм**) **125 фоизни** ташкил қилди. 2015 йил январ-сентябр ойи давомида лизинг хизматидан олинган даромад **2982,3 млн сўмни** ташкил этади.

2015 йилнинг 9-ойи давомида жами **235 дона** техника лизинг олувчиларга етказиб берилган ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми **49 033,8 млн сўмни** ёки ўтган йилнинг ушбу даври билан солиштирганда кўрсатилган хизматлар ҳажми **25 309,9 млн сўмга** ортган.

2015 йилнинг январ-июн ойи давомида Жамғарма ҳисоб рақамига олинган қарз маблағлари ҳисобидан **17 382,0 млн сўм** қайтарилди.

Компаниянинг 2015 йил 1 октябр ҳолатига олган соф фойдаси **1048,1 млн сўмни**, ташкил этади.

### **IV. Лизинг тўловлари бўйича қарздорликларни ундирилиши.**

Лизинг олувчилар томонидан 2015 йилнинг январ-октябр ойлари давомида Компания ҳисоб рақамига лизинг тўловлари бўйича **31 577,1 млн. сўм** маблағ, шу жумладан **11 003,0 млн. сўм** олдиндан 15 % бўнак тўловлари ва **21 574,1 млн. сўм** лизинг тўловлари туширилган.

Лизинг тўловлари бўйича тушумларнинг ортиб боришига қарамасдан, айрим лизинг олувчи давлат унитар корхоналари, ирригация тизим бошқармаларининг етказиб берилган техникалар учун ҳисобланган лизинг тўловлари бўйича қарздорликлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Қарздорликларни узиш бўйича Қишлоқ ва сувхўжалиги вазирлиги, вилоят хокимликлари ва ирригация тизим хавза бошқармаларига бир неча бор ёзма мурожат қилинишига қарамасдан лизинг

тўловлари бўйича қарздорликни қисқартириш борасида олиб борилган ишлари қониқарсиз қолмоқда.

Жорий йилнинг январ-июн ойлари давомида лизинг тўловлари бўйича муддати ўтган қарздорликка йўл қўйган **10 та** давлат унитар корхоналаридан мавжуд қарздорликларини ундириш учун хўжалик судларига ҳужжатлар расмийлаштирилиб берилди.

Кўрилатгани барча тадбирларга қарамай, лизинг олувчиларнинг Компания олдидаги лизинг тўловлари бўйича қарздорликлари 2015 йилнинг 1 октябр ҳолатига **5 279,0 млн. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **1 742,9 млн.сўм**га ёки **149,3** фоизга ўсган.

Хусусан катта қарздорлик Жиззах вилояти бўйича **1033,4 млн. сўм**, Сурхондарё вилояти бўйича **876,5 млн. сўм**, Қашқадарё вилояти бўйича **617,5 млн. сўм**, Сирдарё вилояти бўйича **642,8 млн. сўм**, Тошкент вилояти бўйича **634,3 млн. сўм**ни ташкил этади.

#### **V. Мелиоратив техникаларга сервис хизмати кўрсатиш.**

“Мелиомашлизингсервис” шўба корхонаси томонидан жорий йилнинг январ-июн ойлари давомида лизингга берилган техникаларга **3973,0 млн сўм**лик сервис хизматлари кўрсатилди.

Техникалардан оқилона ва самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида техника ишлаб турган жойни онлайн режимида кўрсатиб турувчи GPS қурилмалари жорий йилнинг I-ярим йиллиги давомида **143 дона** техникаларга ўрнатилди.

#### **VI. Компания ходимларини малакасини ошириш.**

Кадрлар заҳирасини шакллантириш учун Компанияга энг истиқболли ходимлардан танланган номзодлар рўйхати ҳар чоракда қайта кўриб чиқиб тасдиқланади. Компания бўлим бошлиқларини бошқа бўлимларда ҳам раҳбарлик қилишни ўрганиб чиқишини кўзда тутган ҳолда уларнинг иш ўринларини ротация қилиш режалаштирилди.

2015 йил апрел ойида Компаниянинг икки ходими Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази ва лизинг берувчилар ассоциацияси билан бирга ташкил этилган “Лизинг фаолиятида солиқ ва бухгалтерия ҳисоби-ташқиллаштириш, оптимизация, инновациялар” мавзусидаги ўқув курсларида малака ошириб қайтдилар.

**Ижро этувчи директор**

**А.Сулаймонов**